

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ НОДРБЕК МАХМУДОВИЧ

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРНИНГ ТЕЗКОР-КУЧ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчик–2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам.**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Юсупов Нодрбек Махмудович

Юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини
ривожлантириш услубини такомиллаштириш3

Юсупов Нодрбек Махмудович

Совершенствование методики развития скоростно-силовой подготовки
футболисток высокой квалификации25

Yusupov Nodrbek Mahmudovich

Improvement of methodology for the development of speed-strength training of
women footballers of high qualification47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....50

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ НОДРБЕК МАХМУДОВИЧ

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРНИНГ ТЕЗКОР-КУЧ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчик–2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1. PhD / Ped. рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда [ўзбек, рус] веб-саҳифанинг www.uz-djti.uz ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали манзилларига жойлаштирилган

Илмий раҳбар: **Халмухамедов Рустам Деканович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Акрамов Абдумалик Абдумуталович**
педагогика фанлари доктори

Талипджанов Аскар Имамджанович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти хузуридаги DSc.27.06.2017.ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” “_____” соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail:uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Маъмурий биноси, 2 қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Ахборот –ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Маъмурий биноси, 2 қават, анжуманлар зали).

Диссертация автореферати 2018йил “___” _____ куни тарқатилган.
[2018 йил “___” _____ да рақамли реестр баённомаси]

Р.Д.Халмухамедов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.С.Тажобаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д., доцент

Т.С.Усмонхожаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, жисмоний тарбия ва спорт дунё хамжамиятининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва услубиятининг етакчи олимларининг тадқиқот ишларида спортчиларнинг жисмоний тайёргарлик тизимидаги тезкор-куч машғулотларини унинг жисмоний қобилиятлари билан бир қаторда қарайдилар. Бизнингча, спортчи қизларнинг тезкор-куч сифатларини техник-тактик тайёргарлик давомида интеграциялашган ҳолда такомиллаштириш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Йиллик тайёргарлик циклининг турли такомиллашув босқичларида юқори малакали футболчи қизлар билан олиб бориладиган иш жараёнида илмий изланиш айнан шу йўналишда амалга оширилиши керак. Аёллар футболда фаолият юритилаётган мутахассисларнинг спортчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражаси ва уларнинг техник маҳорати ўртасидаги аниқ микдорий тавсифларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш зарурати тўғрисидаги фикрлари етарлича хилма-хилиги билан ажралиб туради.

Жаҳонда футбол назарияси ва амалиётида спортчиларни саралаш, ўқув машғулотларни режалаштириш, психологик, жисмоний, техник-тактик ва функционал тайёргарликда қўлланиладиган восита ва усулларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари ўтказилган. Спорт натижаларининг жадал ўсиши мазкур соҳада замон талабларига жавоб берадиган ўқув-машғулотларнинг оптимал тизимини излаб топиш талабини кўймоқда.

Республикамызда истеъдодли ва салоҳиятли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади¹. Футболчиларни тайёрлаш юзасидан ўтказилган тадқиқот ишларида мутахассислар шундай нуқтаи назарга таянадиларки, тезкор-куч тайёргарлигини оширишда юқори малакали футболчи қизларни тайёрлашнинг негизли асосларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хотин-қизлар спортини, жумладан аёллар футболини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Хотин-қизлар билан олиб бориладиган машғулотларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ масалалар уларнинг турли хил спорт мусобақаларида илк бор иштирок этган пайтларидан пайдо бўлди. Ватанимиз ва хорижий олимлар, мураббийлар, педагоглар томонидан машғулот жараёнини янада яхшилаш ва спортчи қизларнинг спорт фаолияти натижавийлигини оширишга қаратилган кўпгина таклифлар билдирилганлигига қарамай, у ёки бу спорт турида хотин-қизлар тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятларига деярли эътибор қаратилмаяпти.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 16 мартдаги “Футболни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3610-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонда 2017-2021 йиллар учун жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Шунингдек, 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва Параолимпия ўйинларига тайёрлаш ҳақида”ги ПФ-2821-сон Фармони, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги пайтда спортда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини асослаб берувчи бой илмий маълумотлар тўпланган. Спортга саралаш, юқори малакали спортчиларнинг йиллик циклни турли босқичларидаги жисмоний ва техник-тактик тайёргарлиги, машғулот ҳамда мусобақа юкламаларини назорат қилиш масалалари етарлича яхши ўрганилган (В.М.Зациорский, Ю.В.Верхошанский, Л.П.Матвеев, М.А.Годик)².

Ҳозирда футболда қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги хусусиятлари билан боғлиқ илмий-тадқиқотлар нисбатан кам. Асосан бу муаммонинг ўрганилиши фрагментар хусусиятга эга бўлиб, тадқиқотлар икки йўналишда олиб борилган: спортчи қизларнинг махсус жисмоний қобилиятларини ривожлантириш воситалари ва усуллари ҳамда аёллар футболда техник-тактик тайёргарлик.

17-18 ёшдаги футболчи қизларда тезкор-куч воситалари ва тўпга зарба бериш кучини ошириш усуллари самарадорлигини ўрганиш В.Г.Пашенцев, З.Ю.Сухановалар томонидан амалга оширилган³.

М.В.Рылов эса энди шуғулланишни бошлаган 10-12 ёшдаги футболчи қизларнинг машғулот жараёнидаги югуриш юкламасини ўрганган. Д.Д.Зайцев аёллар футболда спортчи қизларнинг техник-тактик

² Зациорский В.М. Физические качества спортсмена: Основы теории и методики воспитания /2-е изд. - М.: Физкультура и спорт, 1970. - 200 с.; Верхошанский Ю.В. На пути к научной теории и методологии спортивной тренировки //Теория и практика физической культуры. - М., 1998. - №2. - С. 21-26; Матвеев Л.П. Модельно-целевой подход к построению спортивной подготовки (статья первая и статья вторая) //Теория и практика физической культуры. - М., 2000. - №3. - С. 28-35, 26-29; Годик М.А. Физическая подготовка футболистов в подготовительном периоде. - Ж.: //Фан спорта, 2007. - №3. - С. 18-23.

³ Пашинцев В.Г, Е.Ю Суханова. Исследование эффективности скоростно-силовых средств и методов увеличения удара по мячу у футболисток. //Теория и практика физической культуры. - М., 2003. - №12. -С. 25-26.

тайёргарлиги ҳамда биологик ривожланиш суръатларини тадқиқ қилган. Мусобақа фаолиятининг самарадорлиги махсус жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражасига ҳамда хотин-қизлар организми хусусиятларининг ҳисобга олинишига боғлиқлигини тадқиқ қилиш масалалари ҳозирги кунда кам ўрганилган⁴.

Илмий-услубий ва махсус адабиётларнинг назарий таҳлили йиллик тайёргарлик циклининг турли босқичларида юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини такомиллаштириш йўллари тадқиқ қилишни тақозо этувчи муаммони аниқлашга имкон берди. Ушбу муаммони ҳамда уни ҳал этиш йўллари илмий жиҳатдан ишлаб чиқишда иккита асосий таркибий қисмларга тўхталиб ўтиш зарур: хотин-қизлар организми хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини баҳолаш методлари такомиллаштирилмаган; тезкор-куч сифатларининг ривожланиш жараёни ва ҳаракат малакалари шаклланишининг ўзаро боғлиқлигини миқдорий тавсифлари аниқланмаган.

Аёллар футболининг ҳозирги замон ривожланиш босқичида футболчи қизларнинг ихтисослашган тайёргарлиги муаммоси янада катта аҳамият касб этмоқда ва махсус адабиётларда муҳокама қилинмоқда. Бунда шуни эътироф этиш жоизки, ҳозирда футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражасини назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда уларнинг техник маҳоратини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий асосланган тавсиялар етарлича ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, кўпчилик мутахассисларда юқори малакали футболчи қизларнинг тайёргарлик жараёнини бошқариш самарадорлигининг энг зарур шарт-шароитларидан бири бўлган мусобақа фаолиятини назорат қилиш масалалари юзасидан ягона фикр мавжуд эмас. Тавсия этилаётган баҳолаш усуллари, одатда ўта кўп меҳнат талаб этади, ёки мусобақа фаолиятининг асосий таркибларини тўлиқ акс эттирмайди. Футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражасини ошириш бўйича тавсиялар етарлича эмас. Мавжуд тавсиялар эса футбол бўйича эркаклар жамоалари учун ишлаб чиқилган.

Илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили тадқиқот муаммосини аниқлаб олишга имкон яратди. У юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлик даражасини такомиллаштириш ва уларнинг техник-тактик маҳоратларини мақсадли ошириш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари истиқболли режасининг “Ўзбекистон терма жамоаларининг юқори малакали

⁴ Рылов М.В. Беговая нагрузка в тренировочном процессе начинающих футболисток 10-12 лет. // Физическая культура. - М., 2005. - №1. - С. 35-38. Зайцев А.А. Подготовка спортсменов в женском мини-футболе: методическое пособие/ А.А. Зайцев. М.: ВНИИФК, 2003. -31с.

спортчиларининг тайёргарлик тизимини такомиллаштириш” йўналиши доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади йиллик циклда юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч ва техник тайёргарликларини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

йиллик циклнинг турли босқичларида футболчи қизларнинг тезкор-куч сифатлари динамикасини аниқлаш;

ўйин фаолиятининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражасини аниқлаш;

футболчи қизларнинг техник ва тезкор-куч тайёргарликлари даражаси ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни ўрганиш;

юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш;

йиллик циклда тезкор-куч тайёргарлигини такомиллаштириш методикасини тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти юқори малакали футболчи қизларнинг ўқув-машғулот жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини ривожлантириш воситалари ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, анкета сўрови, эксперт баҳолаш усули, инструментал усул, педагогик тажриба, математик-статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

йиллик тайёргарлик циклининг турли босқичларида юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлик даражаси аниқланди;

футболчи қизларнинг ўйинлар жараёнидаги техник-тактик ҳаракатларининг намунавий миқдорий тавсифлари ишлаб чиқилди;

тезкор-куч тайёргарлигини ўйин ҳаракатларининг бажарилиш аниқлиги билан ишончли боғлиқликка эга томонларини такомиллаштириш воситалари ва усуллари илмий-услубий жиҳатдан асослаб берилди;

футболчи қизларнинг техник-тактик ҳаракатлари кўрсаткичлари ва уларнинг тезкор-куч тайёргарлик даражаси ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик аниқланди;

юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч сифатларини ривожлантириш методи ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тайёрлов даврида юқори малакали футболчи қизларни тезкор-куч ва техник тайёргарлигида қўлланиладиган юкламаларнинг хажми ва йўналишлари тақсимлаб берилган.

малакали футболчи қизларни тезкор-куч ва техник тайёргарлигида улар организмининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўқув-машғулотлар юкламаларининг қўллаш методикаси ишлаб чиқилди.

тадқиқотдан олинган илмий-услубий тавсияларни мусобақаларга тайёргарликнинг турли босқичларида малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч ва техник тайёргарлигик даражасини оширишда ўқув-машғулотлар жараёнида фойдаланиш самарадорлиги педагогик тажрибада асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси [билишнинг диалектик методи] ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ва чет эл олимлари, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган амалиётчи мураббийларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч ва техник тайёргарлигини такомиллаштириш муаммоларига тааллуқли футбол назарияси ва амалиёти мазмунини бойитади ва кенгайтиради.

Малакали футболчи қизларни тезкор-куч ва техник тайёргарлигини такомиллаштиришда қўлланиладиган юкламаларнинг катталиги ва йўналишлари тақсимланиб, уларни такрорий, оралиқли (танаффусли), плиометрик ва ўйин методлари ёрдамида қўллаш самарадорлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини ривожлантириш услубини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий методологик ва амалий таклифлар асосида:

“Севинч” (Қарши) футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражаси: “Турган жойдан баландлика сакрашда” - 9%, “Узоқ масофага тўпни тепиш” -7% га, сонни букувчи мушакларнинг портлаш кучи даражаси 9,9%га, старт кучи 9,8%га ва максимал портлаш кучи 15,1%га ўсган.

“Metallurg-woman” (Бекобод) футболчи қизларнинг ўйин ҳаракат фаоллиги ва самарадорлиги тажриба гуруҳида 33%га, айрим техник-тактик ҳаракатлар ҳажми ўсди, яъни 30 метрдан узоқ бўлган масофага тўп оширишлар сони 21%га; “Тўпни олиб қўйишлар” сони 29%га; “Ҳавода тўп учун курашишлар” сони 31%га ортди. Ноаниқ ҳаракатлар сони эса -8%га камайган.

Ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлиги натижалари Ўзбекистон миллий аёллар терма жамоасининг ва олий лига жамоалари Ўзбекистон чемпионати, кубоги мусобақалари ҳамда халқаро турнирларга тайёргарлиги давридаги машғулотлар жараёнига тадбиқ этилган (Жисмоний тарбия ва

спорт давлат қўмитасининг 01-07-0888-сон маълумотномаси). Бу тавсиялардан малакали спортчиларни тайёрлашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий-услубий иш, шу жумладан 1 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 та республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 148 бетни ташкил этиб 20 та жадвал, 6 расм, иловалар ва жорий этиш далолатномаларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муамонинг ўрганганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

“Футболчи қизларнинг тезкор-куч сифатларини такомиллаштириш муаммосининг ҳолати ва уни ҳал этиш йўллари” деб номланган биринчи бобда тезкор-куч сифатларининг тузилмаси, спортчиларнинг тезкор-куч ва техник тайёргарлиги воситалари ҳамда усуллари, мазкур сифатларининг ривожланиш даражаси ва техник-тактик ҳаракатларни эгаллаш орасидаги ўзаро боғлиқлиги, футболда махсус жисмоний тайёргарликни педагогик назорат қилиш методлари ёритилиб берилган.

Сўнги икки ўн йилликда кўпгина спорт турлари бўйича спортчиларнинг тезкор-куч тайёргарлиги восита ва усуллари бағишланган кўп сонли тажрибавий ҳамда назарий ишлар ўтказилган.

Кўп сонли мутахассис ва илмий ходимларнинг (Ш.Т.Исеев, 1986; М.А.Годик, 1995; Р.А.Акрамов, В.Тихонов, Р.И.Нуримов, 1997) фикр-мулоҳазаларига кўра, машғулот жараёнида қўлланиладиган машқлар таҳлил қилиниши ва асосий ҳаракат тузилмасига қатъий мос ҳолда танлаб олиниши керак.

Илмий-методик адабиётларнинг тахлили йиллик тайёргарлик циклининг турли босқичларида юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини такомиллаштириш йўлларининг тадқиқ қилинишини тақозо этувчи муаммо мавжудлигини аниқлаб беради. Ушбу муаммони илмий тадқиқ қилиш ва ҳал этиш йўлларини аниқлашда иккита асосий-таркибий қисмларга тўхталиб ўтиш зарур:

Биринчидан, хотин-қизлар организми хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юқори малакали спортчи қизларнинг махсус тезкор-куч тайёргарлигини баҳолаш методларининг такомиллаштирилмаган;

Иккинчидан, тезкор-куч сифатларининг ривожланиши ва ҳаракат малакаларининг шаклланиши жараёнларининг ўзаро боғлиқлигининг миқдорий тасвирлари аниқланмаган.

Футбол назарияси ва услубияти бўйича махсус адабиётларни ўрганиш жараёнида аниқландики, спортчи қизларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш бўйича мавжуд меъёрлар узок вақт давомида ўзгармай қолмоқда. Ундан ташқари, спорт такомиллашувининг турли босқичларидаги футболчи қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини акс эттирувчи таклиф этилаётган меъёрий талаблар илмий асосланмаган.

Маълумки, футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражасини оширишнинг танланган методи нафақат машғулот жараёнининг илмий-методик асослаб берилишига, балки спорт тайёргарлигининг жорий ва истиқболли режалаштирилишига, асосий мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун йиллик циклининг турли босқичларидаги якуний синов меъёрларига юқори талаблар қўяди. Шу сабабли ўқув-машғулот жараёни мазмунини ўзгартириш ва унга тегишли ўзгартиришлар киритиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу муҳим методик ҳолат махсус адабиётларда етарлича акс эттирилмаган. Аёллар футболининг ҳозирги замон ривожланиш босқичида спортчи қизларнинг махсулаштирилган тайёргарлиги муаммоси тобора катта аҳамият касб этмоқда ва махсус адабиётларда кенг муҳокама қилинмоқда. Бунда айтиб ўтиш жоизки, ҳозирда футболчи қизларнинг техник маҳорати такомиллашувини назорат қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ бўлган илмий асосланган тавсиялар йўқ. Шунингдек, кўпгина мутахассисларда юқори малакали футболчи қизларнинг тайёргарлик жараёнини самарали бошқаришнинг зарур шарт-шароитларидан бири сифатидаги мусобақа фаолиятини назорат қилиш масалалари бўйича ягона фикр йўқ. Тавсия қилинаётган баҳолаш методлари, одатда ўта кўп меҳнат талаб қилади ёки мусобақа фаолиятининг асосий таркибларини тўлиқ акс эттирмайди.

Илмий-методик ва махсус адабиётларнинг ўтказилган назарий тахлили тадқиқот муаммосини аниқлаб олишга имкон беради. У юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини такомиллаштириш ва уларнинг техник-тактик маҳоратини мақсадли такомиллаштириш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат эди.

“Ўйин фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали аёл футболчиларда тезкор-куч сифатларини ривожлантиришнинг ҳозирги замон тажрибасини умумлаштириш” деб номланган учинчи бобда малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги тажрибасини умумлаштириш (анкета сўрови асосида), тезкор-куч тайёргарлиги даражаси, УДС-3 кўрсаткичлари таҳлили ва натижаларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги, техник-тактик ҳаракатларнинг бажарилиши, йиллик цикл босқичларида футболчи қизларнинг машғулот юкламаларининг педагогик кузатуви натижалари бўйича маълумотлар берилган.


Юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини (ТКТ) ривожлантириш методини такомиллаштириш йўлларини излаб топиш ушбу йўналишдаги назарий материаллар ҳамда амалий иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштиришни тақозо этди.

Тадқиқот усулларида бири анкета сўрови бўлиб, унда футбол бўйича Ўзбекистоннинг 56 нафар етакчи мураббийлари қатнашди. Улардан 5 нафари “PRO” лицензиясига, 19 нафари “А” ва 32 нафари “В” лицензиясига эга. Анкета сўрови футболчи қизларнинг тезкор-куч сифатларининг (ТКС) ривожланиш даражасини назорат қилиш муддатларини аниқлашга бўлган ёндашув турлича эканлигини аниқлаб берди. Масалан, респондентларни 80% ТКС ларни йиллик циклнинг турли босқичларида аниқлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди, 75.6% эътироф этадики, бу сифатларни аниқлаш бутун педагогик жараённинг таркибий қисмидир, респондентларнинг 67.2% назоратни ҳар бир машғулот мезоцикли охирида, 32.8% эса даврлар бўйича амалга оширишни афзал деб ҳисоблайди.

Фикрлар хилма-хиллиги футболчи қизларнинг ТКС лари ривожланиши ҳамда ўзгаришларни машғулот жараёни давомида назорат қилиш усулларида ҳам аниқланди. 62.8% респондентларнинг фикрича, назорат қилиш тадбирлари нафақат уларнинг сони, балки тестлайдиган материалнинг мазмуни билан ҳам аниқланади. 51.6% респондентлар эътироф этадики, бутун вазифалар комплекси бўйича ТКТ даражасини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг ўзгаришини ҳисобга олиб боришни камроқ ўтказиш зарур, чунки жуда кўп меҳнат талаб қилади.

Анкета сўровномаси натижалари шуни кўрсатдики, Республикаимизнинг етакчи мутахассислари бутун йиллик цикл давомида футболчи қизларнинг ТКТ даражасини ошириш услубиятини ишлаб чиқиш ва у асосида тегишли меъёрий тестлар ёрдамида унинг асосий кўрсаткичлари динамикасини мунтазам назорат қилишни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайдилар.

Юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражасини такомиллаштиришга йўналтирилган юкламалар тузулмасини ўрганиб чиқиш учун машғулот жараёнининг педагогик таҳлили ўтказилди (1-расм).



1-расм. Юқори малакали футболчи қизларнинг йиллик тайёргарлик циклидаги хар хил йўналишга эга машғулот юкламаларининг нисбатлари

Умумий тайёргарлик босқичида устувор йўналишига кўра 52.3% аэроб юклагама, 12.4% анаэроб-алактат; 14.6% анаэроб-гликолитик ва 20.7% аралаш юклагама ажратилди. Юклама ҳажми катталигига кўра юкламалар қуйидагича бўлди: ўртача- 63.8%, катта - 8.8%, кичик- 27.4%. Координацион мураккаблигига кўра тақсимланиши қуйидагича бўлди: 77.6% - оддий ва 22.4% - мураккаб воситалар. Бу босқичда махсус юкламалар улуши 57.6% ни, номахсус юкламалар эса 42.4% ни (асосан бошқа спорт турларидан) ташкил этди.

Махсус тайёргарлик босқичида анаэроб-алактат юклагамага 16.3% вақт, анаэроб-гликолитик юклагамага 18.1%, аралашга 26.2% ва аэроб юклагамага 39.4% вақт ажратилди. Катталиги бўйича уларнинг ярмидан кўпи ўртача бўлди 65.1%, катта юкламалар улуши 10.3% ва кичик юкламалар 24.6% ни ташкил этди.

Машғулот юкламалари тақсимланишининг бундай нисбатини тезкор-куч сифатларини ривожланитириш учун оптимал деб ҳисоблаб бўлмайди.

1 жадвал

Юқори малакали футболчи қизларнинг жамоавий техник-тактик харакатларининг кўрсаткичлари.

№	Жамоалар	Тўп оширишлар				Дарбозага зарба йўллашлар				Хавода яккакурашишлар	
		ўрта		узок		ўрта масофадан		узок масофалардан			
		жами X	СК	жами X	СК	жам и X	СК	жами X	СК	жами X	СК
1.	Хориж жамоалари	42,2	0,73	42,4	0,76	8,1	0,50	8,1	0,54	25,3	0,62
2.	Ўзбекистон терма жамоаси	43,4	0,61	37,3	0,54	5,2	0,38	5,4	0,30	25,2	0,50
3.	Олий лига жамоалари	39,6	0,63	28,2	0,41	4,6	0,25	4,1	0,25	22,1	0,40

Мусобақа фаолиятининг педагогик кузатувлари шуни кўрсатдики, футбол жамоалари футболчи қизлари тезкор-куч тайёргарлиги даражасининг юқори даражада намоён бўлишини талаб қилувчи ўйин усулларида етакчи хорижий жамоалар спортчи қизларидан анча ортда қолишади (1-жадвал).

Масалан, узоқ масофага тўпни оширишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, хориж жамоаларининг ўртача кўрсаткичлари 42.4 мартага ва бунда самарадорлик коэффициенти (СК) 0.76% га тенг бўлган; Ўзбекистон терма жамоасида 37.3 марта, СК 54%, клуб жамоаларида эса бу кўрсаткич 28.2, СК 0.41% га тенг. Ўрта масофадан дарвозага зарба йўллаш таҳлилининг кўрсатилишича, чет эл футболчи қизлари ўртача 8.1 та зарба йўллаганлар ва бунда СК 50% га тенг бўлган.

Ўзбекистон терма жамоаси футболчи қизларининг ўрта масофадан дарвозага зарба йўллаш кўрсаткичлари 5.2 тага тенг бўлган, СК - 0.38% ни ташкил этган, клуб жамоаларида эса бу кўрсаткич 4.6 га, СК эса 0.25% га тенг бўлган. Узоқ масофалардан зарбалар бериш таҳлили шуни кўрсатдики, хорижий клублар ўйинчи қизлари дарвозага ўртача 7.1 та зарба йўллаганлар, бунда СК - 0.54% га тенг бўлган. Терма жамоа футболчи қизлари 5.4 та зарба, уларда эса СК - 0.3%, клуб жамоаларида мос равишда ўртача 4.1 тани, СК-0.25% ни ташкил қилди.

2-жадвал

Футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини универсал динамографик стенд-3 дан олинган тестлар натижалари (n = 40)

№	Тезкор-куч тайёргарлиги кўрсаткичлари	Жамоалар		t	P
		«Севинч» $\bar{X} \pm \sigma$	«Андижанка» $\bar{X} \pm \sigma$		
1.	P ₀ - мушакларнинг максимал эркин кучи (кг)	71,3±4,6	70,4±3,2	0,72	p>0,05
2.	F _{max} – мушакларнинг портловчан кучланишини максимал катталиги	51,4±6,4	50,2±5,8	0,62	p >0,05
3.	F ₁ - мушакларнинг портловчан кучланишининг максимал катталигини ярми (кг)	25,4±1,6	26,1±2,8	0,97	p >0,05
4.	J - тезкор-куч индекси (кг/с)	345,6±2,9	342,9±3,8	2,53	p <0,01
5.	Q - мушакларнинг старт кучи (кг/с)	427,8±8,2	425,4±6,7	1,01	p >0,05
6.	G - мушакларнинг тезлаштирувчи кучи (кг/с)	260,8±2,2	261,4±4,4	0,55	p >0,05
7.	t ₁ - старт кучланишига эришиш вақти (сек)	0,04±0,01	0,04±0,02	0,20	p >0,05
8.	t ₂ - тезлаштирувчи кучланишга эришиш вақти (сек)	0,06±0,01	0,06±0,02	0,28	P>0,05
9.	t _{max} - мушакларнинг портловчан кучланишининг максимал катталигига эришиш вақти (сек)	0,10±0,01	0,10±0,04	0,31	p >0,05
10.	J/кг - футболчи қизларнинг вазнига нисбатан тезкор-куч индекси	8,5±0,15	8,6±0,20	1,79	p >0,05
11.	Q/кг - мушаклар старт кучининг футболчи қизлар вазнига нисбатан қиймати	11,2±0,18	12,1±0,11	2,71	p <0,05
12.	G/кг - мушакларни тезлаштирувчи кучнинг футболчи қизлар вазнига нисбатан қиймати	7,3±0,25	7,3±0,19	0,27	p >0,05

Юқори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражаси тўғрисидаги маълумотларни олиш учун универсал динамографик стенда (УДС - 3) тестлаш амалга оширилди (2 - жадвал).

Кўриниб турибдики, иккала жамоа футболчи қизларининг тезкор-куч тайёргарлиги кўрсаткичлари қийматлар унча юқори эмас. Агар мушакларнинг максимал эркин кучи даражаси бўйича “Севинч” жамоаси футболчи қизлари натижалари “Андижанка” футболчи қизлари кўрсаткичларидан бироз юқорирок, яъни мос равишда ўртача $71,3 \pm 4,6$ ва $70,4 \pm 3,2$ га тенг бўлса, унда портловчан кучланишнинг максимал катталиги бўйича, аксинча, “Андижанка” футболчи қизлари “Севинч” жамоаси қизлариникига нисбатан ўртача қийматларга эга, мос равишда $50,2 \pm 5,8$ ва $51,4 \pm 6,4$ эканлиги аниқланди.

Юқори малакали футболчи қизларда тезкор-куч тайёргарлиги даражаси ва УДС-3 кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни тадқиқ қилиш ўтказилди (3 - жадвал).

Футболчи қизларнинг УДС-3 кўрсаткичлари ва тезкор-куч тайёргарлиги даражаси ўртасидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни аниқлаш учун таҳлил.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, “Юқори стартдан 15 м.га югуриш” ва “Старт кучи” машқлари бўйича маълумотлар асосида ижобий кучли статистик ўзаро корреляцион боғлиқлик мавжуд ($r = 0,746$). Бу шундан дарак берадики, “15 м.га югуриш” тести натижасининг яхшиланиши “Старт кучи” кўрсаткичидаги натижанинг ошиши билан боғлиқ. Бунда детерминация коэффиценти (D) 64,8 % га тенг.

Шундай кучли статистик ўзаро корреляцион боғлиқлик “Юқори стартдан 15 м.га югуриш” машқидаги натижа ва “Максимал куч” тести натижалари орасида аниқланди ($r = 0,754$; $p < 0,01$ бўлганда, $D = 51,2\%$).

Ижобий статистик корреляцион боғлиқлик “портловчан куч” ва “баладликка сакраш” ($r = 0,671$; $p < 0,01$ бўлганда, $D = 61,2\%$) ва “турган жойдан узунликка сакраш” ($r = 0,611$; $p < 0,01$ бўлганда, $D = 59,1\%$) натижалари ўртасида қайд қилинди.

Юқори ижобий корреляцион боғлиқлик F_{\max} кўрсаткичлари ва “тўпни зарб билан узоққа тепиш” натижаси ўртасида аниқланди ($r = 0,732$; $p < 0,01$ бўлганда, $D = 64,1\%$).

Шундай қилиб, тадқиқотлар тезкор-куч тайёргарлиги даражаси ва УДС - 3 кўрсаткичлари орасидаги ўзаро корреляцион боғлиқлик хусусиятини инобатга олиш заруратини тасдиқлади.

Ўзбекистон футболчи қизларда тезкор-куч тайёргарлигининг паст даражаси, ўйиндаги айрим техник усулларни бажариш самарадорлигини пастлиги, машғулот юкламалари тузилмасидаги нооптимал нисбатлар маҳсус машғулот дастурини ишлаб чиқиш учун туртки бўлди.

Юқори малакали футболчи қизларда тезкор-куч тайёргарлигини тестлаш натижаси ва универсал динамографик стенд-3 кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги

№	кўрсаткичлар	1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	8.	9.	10.	11.	12.
1.	Баландликка сакраш (см)		0,632	0,296	0,578	0,327	0,396	0,296	0,515	0,671	0,702	0,410	0,315
2.	турган жойдан узунликка сакраш (см)			0,832	0,574	0,493	0,586	0,122	0,712	-0,611	0,512	0,630	0,412
3.	Юқори стартдан 15 м.га югуриш (с)				0,647	-0,362	0,210	0,233	0,510	0,754	0,503	0,746	0,618
4.	Югуриб туриб 30 м.га югуриш (с)					0,311	-0,242	0,142	0,521	0,518	0,522	0,615	0,624
5.	Узоқка зарба бериш (м)						0,457	0,138	0,621	0,712	0,580	0,510	0,409
6.	Тўпни узоққа ошириш (м)							0,148	0,586	0,614	0,471	0,352	-0,216
7.	Тўпни аниқ ошириш (м)								-0,416	-0,315	0,412	0,144	-0,112
8.	P_0 - ММЭК (кг)									0,760	0,521	0,662	0,719
9.	F_{\max} - мушакларнинг поргловчан кучланишини максимал катталиги (кг)										0,517	0,421	0,407
10.	J - тезкор-куч индекси											0,742	0,755
11.	Q – старт кучи (кг/с)												0,856
12.	G - тезлаштирувчи куч (кг/с)												

Эслатма: P_0 -мушакларнинг максимал эркин кучи (кг);
 F_{\max} -мазкур ҳаракатда кўрсатилган кучнинг максимал катталиги (кг)

“Юкори малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини баҳолаш ва уни такомиллаштириш методикасини тажрибада асослаш” деб номланган тўртинчи бобда малакали футболчи қизларнинг тезкор-куч тайёргарлигини баҳолаш ва техник-тактик маҳоратини такомиллаштириш методикасини тажрибада асослаш, УДС - 3 даги тезкор-куч тайёргарлигининг миқдорий кўрсаткичлари ҳамда техник - тактик ҳаракатлар самарадорлигини текшириш мақсадида ўтказилган педагогик тажриба натижалари ифодаланган.

Тезкор-куч тайёргарлигини ривожлантириш методикаси учта изчил босқични ўз ичига олди:

1 - босқич кучни ривожлантиришга урғу берган ҳолда футболчи қизларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражаларини ошириш ва барча асосий мушак гуруҳларини ривожлантириш ҳамда боғлам аппаратини мустаҳкамлаш вазифасини ҳал этишга бағишланди.

2 - босқичда тезкор-кучни ва асаб-мушак аппаратининг динамик режимдаги реактив қобилятини ошириш вазифаси ҳал этилди. Бунинг учун ҳаракатлар давомида намоён қилинадиган кучланишлар шиддатини ошириш ҳисобига ҳаракат тезлигини орттирувчи воситалардан: сакраш машқларининг ҳар хил турлари, тўпга зарба бериб узоққа тепиш, тренажер мосламаларда бажариладиган махсус машқлардан фойдаланилди. Машғулотнинг қуйидаги методлари қўлланилди: такрорий, ораликли (танаффусли), плиометрик, ўйин. Асосан бу вазифа махсус тайёргарлик босқичида амалга оширилди.

3 - босқичда куч чидамлилиги даражасини ошириш вазифаси ҳал этилди. Қўлланилган асосий усуллар - такрорий, ораликли, ўйин. Ихтисослаштирилган воситалар билан бир қаторда қуйидаги махсус бўлмаган машқлардан ҳам кенг фойдаланилди: узоққа сакрашлар, тепаликка югуриш, оғирликлар билан бажариладиган машқлар комплекси, махсус ўйин вазифалари. Ушбу вазифа мусобақаолди босқичда амалга оширилди.

Тезкор-куч тайёргарлиги даражасини такомиллаштириш бўйича тажрибавий усули “Севинч” (Қарши) футбол клуби ўқув-машғулот жараёнига жорий этилди. “Андижанка” жамоаси назорат гуруҳи бўлиб, умумий қабул қилинган дастур бўйича шуғулланди. Эътибор қаратиш жоизки, футбол бўйича аёллар ўртасидаги мамлакат чемпионати тур тизимида ўтказилади. Турлар орасида танаффуслар 6 дан 8 ҳафтагачани ташкил этади. Мусобақаларнинг давомийлиги эса 6 кундан ошмайди. Кўпгина жамоалар чемпионатнинг календар турлари орасидаги танаффусларда ҳар хил турнирларда иштирок этадилар. Аёллар футболда мусобақаларнинг шундай ташкил қилинишини ҳисобга олиб, биз қуйидаги тажриба дастурини таклиф қилдик.

Тайёргарлик даврида тажриба тадқиқотлари 12 ҳафта давомида ва бутун мусобақа даври мобайнида олиб борилди. Мусобақа даврининг давомийлиги 112 кунни ташкил этди.

Тайёргарлик даври 6 ҳафтадан иборат 2 та блокка бўлинди: биринчи блокда 3 ҳафта давомида бир кунда икки марталик машғулотлар билан

ривожлантирувчи юкламалардан фойдаланилди, кейин 3 ҳафта давомида бир кунда бир марталик машғулот билан сақлаб турувчи юкламалар қўлланилди. Бир ҳафталик ривожлантирувчи юкламалардан сўнг, бир ҳафта сақлаб турувчи юкламалар бажарилди.

Микроцикл тузилмаси бешта машғулот кунини ўз ичига олди, олтинчи куни - назорат ўйини, еттинчи куни - дам олиш.

Машғулот методикасининг амалда рўёбга чиқариш мақсадида тажриба босқичида биргаликда изчиллик тамойилидан фойдаланилди. Унинг алоҳида ажралиб турувчи қирраси - чегараланган босқичда битта устувор йўналишдаги юкламаларга диққат - эътибор қаратиш ва кейинги воситаларнинг машқлантирувчи самараси намоён бўлиши учун қулай шарт-шароитлар таъминлаши мумкин бўлган машқларни машғулотларга изчил киритиб боришдир.

Тезкор-куч йўналишидаги юкламалар ҳажми биринчи микроциклдан олтинчи микроциклгача аста - секин ошириб борилди (4-жадвал).

Кўриниб турибдики, машғулот юкламалари ҳажми 6411 мин.га тенг, улардан умумий тайёргарлик босқичида 1890 мин., махсус тайёргарлик босқичида 2475 мин., мусобақаолди босқичида 2046 мин. сарфланган. Юкламаларнинг йўналишига кўра, энг катта ҳажм куч тайёргарлигини ривожлантиришга ажратилди-605 - мин.

Микроциклларнинг биринчи учта ҳафтаси футболчи қизларнинг куч имкониятларини ривожлантиришга бағишланди.

Бунинг учун қуйидаги методлардан фойдаланилди:

- максимал кучланишлар методи, у машқларни энг каттага яқин оғирликлар билан такрорий бажаришларни назарда тутди;

- такрорий кучланишлар методи, у вазни ўртача бўлган оғирликлар билан бажариладиган машқлардан фойдаланишни назарда тутди;

- портловчи кучланишлар методи, у вазнига кўра кичикроқ оғирликлар билан чегарага яқин тезликда бажариладиган машқларни такрорий бажаришни назарда тутди.

4-жадвал

Юқори малакали футболчи қизларда тайёргарлик даврининг тажриба босқичидаги юкламаларнинг тақсимланиши

№	Тайёргарлик босқичлари	Кунлар сони	Юклама катталиги (%)			Ҳажим (мин)	Йўналиши (мин)			
			катта	ўрта	кичик		Аэроб	Ара-лаш	Анаэроб-гликолитик	Анаэроб-алактат
I	Умумий тайёргарлик	21	25,5	33,3	38,2	1890	586	529	170	605
II	Махсус тайёргарлик	35	42,8	34,2	22,8	2475	544	693	371	867
III	Мусобақа олди	28	28,5	42,8	28,5	2046	184	941	266	655
	Жами	84	34,5	31	24	6411	1314	2163	807	2127

Куч имкониятлари даражасини оширишга доир асосий вазифани махсус бўлмаган машқлардан фойдаланган ҳолда ҳал этдик:

- машғулот залида турли хил оғирликлар ва блокли мосламалардан фойдаланган ҳолда;

- гимнастика машқларидан фойдаланган ҳолда.

Педагогик тестлаш натижаларига кўра, футболчи қизлар учта гуруҳга ажратилди: бу гуруҳларда тезкор-куч сифатларининг ривожланиш даражаси юқори (16,6 %), ўрта (27,8 %) ва паст (55,6 %).

Тезкор-куч йўналишидаги юклама катталиги машғулотда футболчи қизларнинг тайёргарлик даражасига қараб ўзгартириб турилди. Оғирлик вазни ва сериялар сони ўзгартирилди. Максимал кучни ривожлантиришда оғирлик катталиги шундай белгиландики, бунда футболчи қизлар ҳар бир уринишда 4 тадан 6 тагача ҳаракатни бажара олди.

Мусобақа даври тузилмаси қуйидагича бўлди: 4 ҳафта тайёргарлик ва турнирда қатнашиш, яна 4 ҳафта тайёргарлик ва чемпионатда иштирок этиш.

Мусобақа даврида тажриба методикаси икки ҳафта давомида ривожлантирувчи хусусиятга эга юкламаларни ҳамда икки ҳафта сақлаб турувчи режимдаги ишни ўтказишни назарда тутди ва улар бир - бири билан алмашиб қўлланилди.

Микроцикл 5 та машғулот куни, назорат ўйини ва дам олиш кунидан иборат бўлди.

Ривожлантирувчи хусусиятга эга бўлган юкламалар узоқ давом этиши (90 - 120 мин.) ва шиддати (ЮҚТ - минутига 160 зарбадан юқори) билан ажралиб турди, умумий машғулот вақтининг 60 - 65 % ини ташкил этди.

Мезоцикл юкламаси катталиги ва йўналиши тақсимланиши 5 - жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Юқори малакали футболчи қизларда мусобақа даврининг ўйинлараро мезоциклида юкламаларнинг тақсимланиши

№	Юклама йўналиши	Ҳафталик ўйинлараро циклар				
		1	2	3	4	Жами
1.	Катталиги (%)					
	<i>Катта</i>	33,3	50	33,3	16,6	33,3
	<i>Ўрта</i>	50	16,6	33,3	66,6	37,5
	<i>Кичик</i>	16,6	33,3	33,3	16,6	25
	Жами	6	6	6	6	24
2.	Йўналиши (мин)					
	<i>Аэроб</i>	79,5	75	76	74,5	305
	<i>Аэроб-анаэроб</i>	262	300	304	335,25	1201,25
	<i>Анаэроб-гликолитик</i>	79,5	37,5	30,4	37,25	184,65
	<i>Анаэроб-алактат</i>	374	337,5	349,6	298	1359,1
	Жами	795	750	760	745	3050

Кўриниб турибди-ки, Мезоцикл юкламаларининг умумий ҳажми 3050 мин.ни ташкил этди, улардан тезкор-куч юкламалари улуши 1359,1 мин.ни ташкил қилди. Эътироф этиш лозимки, микроциклнинг биринчи ҳафтасида

тезкор-куч йўналишидаги юкламалар ҳажми 374 мин.ни, иккинчи ҳафтада 337,5 мин.ни, учинчисда - 349,6 мин.ни ва микроцикл охирида - 298 мин.ни ташкил этди. Бу шундан далолатки, расмий мусобақалар бошланишидан олдин бу йўналишдаги юкламалар ҳажми анча камайтирилган.

Айтиш лозимки, айрим футболчи қизлар машғулотда ҳажми ва хусусиятига кўра эркакларникига яқин бўлган юкламаларни бажардилар, бироқ, бунда аёллар организмининг индивидуал хусусиятлари эътиборга олинди. Маълумки, аёллар организмининг функционал имкониятлари ҳар доим ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу фарқлар организмнинг жисмоний юклага нисбатан реакцияси хусусиятида ва мослашиш динамикасида намоён бўлади.

